балансларнинг маълумотлари асосида ( $t_k$ ) корхоналарда вақтнинг ўзгармас моментидаги тасодифий миқдорларни қабул қиласди. Бу ерда биз корхоналарнинг тўлов қобилиятини "ҳодисанинг эҳтимоллиги" сифатида қабул қиласди. Масалада  $R$  миқдорнинг қиймати  $t$  вақтнинг ўзгармас моментида  $R_{kp}$  критик миқдордан катта бўлиш эҳтимоллигини билдиради.  $R_k$  миқдор рейтингнинг қуи чегараси бўлиб, у корхонанинг тўлов қобилиятини таъминламайдиган ва кўрилган заарлар натижасида ўз маблағлари манбанин бутунлай йўқотган корхоналарнинг ҳолатини ифодалаб беради.

Йиллар давомида корхоналарнинг чораклик балансларидаги параметрлари моделга киритилади ва ҳисоб-китоб қилинади. Чораклар бўйича корхоналарнинг балансларидаги сонли қийматларидан фойдаланиб корхоналарнинг тўлов қобилияти эҳтимоллигини баҳолаган ҳолда уларнинг рейтингларини аниқлаймиз. Бу ерда  $R_{kp}$  миқдор корхона рейтингининг ўртача арифметик миқдори сифатида ҳисобга олинади.

Кўйилган муаммоли масалани мұхокама қилиш учун  $R_t$  тасодифий миқдорнинг тақсимот қонуни тўғрисида гипотезани қабул қиласди. Бунда тасодифий миқдорнинг тақсимот қонунларидан бир маромдаги тақсимот қонуни, биномиал тақсимот қонуни, Пуассон тақсимоти, нормал тақсимот қонуни ёки Гаусс тақсимоти қонунларига эътиборни қаратамиз.

Бунинг учун дастлаб масаламида ўзаро бир-бирига тенг бўлган тасодифий миқдорларни  $\theta^{(n)}$  кўриб чиқамиз, яъни

$$\theta^{(n)} = \theta_1 + \theta_2 + \theta_3 + \dots + \theta_n$$

Агар тасодифий миқдорлар учун математик кутилма  $a_n$  га, ўртача квадратик тафовутлар  $\sigma_n$  га мос равишда ўзаро тенг бўлса, у ҳолда тасодифий миқдорлар учун нормал тақсимот миқдори қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\mu^{(n)} = 1/\sigma_n(\theta^n - a_n)$$

Муавр - Лаплас назариясига кўра<sup>1</sup>,  $n \rightarrow \infty$  да тасодифий миқдорларнинг нормал тақсимот қонуни Гаусс қонунига мос равишда интилади (Lloyd, E. & Lederman, W.).

А.М. Ляпунов назариясига кўра<sup>2</sup>, агар  $n$  нинг миқдори катта миқдорга эга бўлса, у ҳолда эрксиз тасодифий қўшилувчилар йиғиндинсининг  $\theta_1 + \theta_2 + \theta_3 + \dots + \theta_n$  нормал тақсимот қонуни Гаусс қонунига (нормал тақсимот қонуни) мос келади, акс ҳолда натижалар қуйидагича муносабатдаги

$$\sum_{k=1}^n M(\theta_n - a_n)^3 : (\sum_{k=1}^n D\theta_n)^{3/2} \quad (a_n = M\theta_n)$$

кўринишга эга бўлади.

Агар қўшилувчи катта миқдорларнинг дисперсияси бошқа қўшилувчилар миқдорларининг дисперсиясидан катта бўлса, тақсимотдаги қўйилган шартлар бузилади ёки улар нормал тақсимотдан сўнг гўёки йўқолади. Айрим ҳолларда Ляпуновнин шартлари (Пуассон қонунига олиб келадиган қонуниятлар) ҳам бузилиши мумкин.

Агар нормал тақсимотдан сўнг бу шартлар Гаусс қонунига мос келса, демак,

<sup>1</sup> Справочник по прикладной статистике / Под ред. Э.Ллойда, У. Ледермана, перевод с английского . / Под ред. С.А. Айвазяна и Ю.Н. Тюрина. – М.: Финансы и статистика, 1990.

<sup>2</sup> Справочник по прикладной статистике / Под ред. Э.Ллойда, У. Ледермана, перевод с английского . / Под ред. С.А. Айвазяна и Ю.Н. Тюрина. – М.: Финансы и статистика, 1990.

нормал тақсимотдан олдин ҳам Гаусс қонунида ихтиёрий ўртача арифметик миқдор ҳам дисперсия ҳам ҳисобга олинган деб фараз қилинади. Демак, эрксиз тасодифий қўшилувчилар йиғиндиси қандай тақсимланишидан қатъий назар у Гаусс қонунига мос равища тақсимланади.

$R_i$  миқдорлар йиғиндиси учун  $R$  миқдор эрксиз тасодифий қўшилувчи миқдорлар йиғиндиси бўлганлиги учун  $R$  тасодифий миқдорнинг нормал тақсимоти тўғрисида кўп марта сўз юритиш мумкин.

Маълумки, иккита параметр орқали нормал тақсимот қонуни ифодаланади. Ушбу параметрлар биринчи ва иккинчи тартибли вақтнинг моментлари ёки  $R$  тасодифий миқдорларнинг математик кутилмаси ( $mR$ ) ҳамда дисперсияси ( $DR$ ) ҳам бўлиши мумкин.

" $x$ " нормал тақсимотнинг зичлиги бўйича эҳтимоллик функцияси қўйидаги формула ёрдами аниқланади:

$$f(x) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}\sigma} e^{-(x-a)^2/2\sigma^2} \quad (1)$$

Ушбу функциянинг графиги "қўнғироқ" кўринишдаги расмга эга. Қўнғироқнинг юқори чўққиси тасодифий миқдорнинг математик кутилмасига мос келади. Бу ерда тасодифий миқдорнинг дисперсияси қанчалик катта миқдорга эга бўлса, у ҳолда нормал тақсимотнинг зичлик функциясининг эгрилиги шунчалик текис кўринишда бўлади.

Амалиётда тасодифий миқдорнинг қайси тақсимот қонунига тегишли эканлигини аниқлашнинг усули мавжуд. Буни аниқлаш учун  $\chi^2$  мезон қабул қилинади. Бунда ушбу мезон орқали " $x$ " тасодифий миқдорнинг нормал тақсимот қонуни  $F_0(x)$  га мос келиши текширилиб кўрилади. Ушбу мезон келишув мезони деб аталади. Агар  $\chi^2 \geq \chi^2_a$  кўринишдаги шартлар бажарилса,  $H_0(F_x(x)=F_0(x))$  кўринишдаги шартли гипотеза рад этилади. Бунда

$$\chi^2 = \sum_{k=1}^K (M_i - np_i)^2 / np_i$$

$\chi^2$  – ҳақиқий тақсимотнинг четланиши деб юритилади.

$\chi^2$  миқдор маҳсус жавдал бўйича белгиланган аниқлиқда озод соннинг даражасига қараб (**а миқдор**) ҳисобланади.

Айтайлик,  $R = R(t)$  тасодифий миқдор вақтга боғлиқ дейлик. Агар  $R(t)$  вақт функцияси ўзгармас тасодифий миқдорларни қабул қилса, у ҳолда бу жараён *тасодифий жараён* деб аталади. Мисол учун, агар корхонанинг чораклик баланслари маълумотлари асосида  $R$  миқдор аниқланса, у ҳолда  $R$  миқдор вақтнинг ( $t_k$ ) ўзгармас моментида тасодифий миқдорларни қабул қилиши мумкин.

Муайян вақт оралиғида (жорий вақт моментидан  $T_{np}$  вақт моментигача) корхоналарнинг тўловга қобилияти эҳтимоллиги қўйилган масаланинг ечимини топиш учун  $T_{np}$  вақт моментида  $R$  тасодифий миқдорни прогноз қилиш ( $R(T_{np})$ ) миқдорни қабул қилиши мумкин.

Вақтнинг ўтган даврини  $(R_1, t_1), (R_2, t_2), \dots, (R_n, t_n)$  нуқталар тўплами сифатида ҳисобга олиб  $R$  рейтингнинг муайян вақтгача узайишини аниқлаш ёки муайян хатоликларни ҳисобга олган ҳолда тасодифий миқдорларнинг математик кутилмасининг истиқболини прогноз қилиш мумкин.

Энг кичик квадратлар усули ёрдамида тўғри чизикда  $(R_1, t_1), (R_2, t_2), \dots, (R_n, t_n)$  нуқталар тўпламининг жойлашиш масаласининг ечимини топиш мумкин. Агар танлаб олинган тақсимот нормал тақсимот бўлса, у ҳолда энг кичик квадратлар усули максимал ўхшашлик усули билан бевосита мос келади.

Ҳақиқатда  $(R_1, t_1), (R_2, t_2), \dots, (R_n, t_n)$  нуқталар тўпламини танлаб олиш учун  $R$  тасодифий миқдорнинг математик кутилмаси ( $mR$ ), дисперсияси ( $DR$ ) ва нормал тақсимотидан фойдаланиш керак бўлади:

$$mR = a + b * t \quad (2)$$

Гаусс-Марков теоремасига кўра, энг кичик квадратлар усули ёрдамида  $a$  ва  $b$  чизиқли параметрларни баҳолаш учун барча синфлар минимал дисперсияга эга бўлиши керак.  $mR(t)$  функцияниң узайтириш хатоси тасодифий миқдорлар дисперсиясининг квадрат илдизига тенг. Бунда прогноз хатосининг миқдори қанчалик катта миқдорда бўлса, прогноз қилиш муддати шунча узоқ муддатли бўлади.  $\Delta t$  вақт оралиғида  $R$  тасодифий миқдор узайишининг ўртача квадратик тафовути қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$KO = \sqrt{DR + DR * (\Delta t * b)^2} \quad (3)$$

(2) кўринишдаги тенгламадан  $a$  ва  $b$  параметрларни ҳисоблаш учун қуйидаги кўринишдаги матрицадан фойдаланамиз:

$$\begin{pmatrix} a \\ b \end{pmatrix} = \left( \sum_{t_i}^n \frac{\sum_{t_i}}{t_i^2} \right)^{-1} \times \left( \sum_{R_i t_i} \frac{R_i}{R_i t_i} \right) \quad (4)$$

бу ерда  $n$  -  $R_i$  тасодифий миқдорлар сони;  $t_i$  -  $R_i$  тасодифий миқдорларга мос келадиган вақт моментлари.

(4) кўринишдаги формуладан фойдаланиб  $a_1$  ва  $a_2$  коэффициентлар аниқланади:

$$a = \frac{\sum R_i * \sum t_i^2 - \sum R_i * t_i * \sum t_i}{n * \sum t_i^2 - (\sum t_i)^2} \quad (5)$$

$$b = \frac{n * \sum R_i * t_i - \sum R_i * \sum t_i}{n * \sum t_i^2 - (\sum t_i)^2} \quad (6)$$

$R$  тасодифий миқдорнинг дисперсияси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$D_k = \frac{1}{n-1} * \sum (mR_i - R_i)^2 \quad (7)$$

$R$  тасодифий миқдорнинг ўртача квадратик тафовути тасодифий миқдорнинг математик кутилмаси ( $mR$ ) сифатида аниқланади:

$$\sigma = \sqrt{D_R} \quad (8)$$

Кўп омилли корреляция коэффициентини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$KR = \frac{\sum (a + b t_i)^2}{\sum R_i^2} \quad (9)$$

Энди  $R$  тасодифий миқдорларнинг математик кутилмаси  $T_{np}$  вақтлар моментида (прогноз қилиш санасида) математик кутилманинг ўзгаришини аниқлаш  $N(R, mR, DR)$  нормал тақсимотдан, эҳтимоллик қиймати ( $p$ ) дан фойдаланган ҳолда  $R$  тасодифий миқдорлар аниқланади. Ушбу ифодалардан фойдаланган ҳолда тасодифий миқдорлар

оралиғида әхтимоллик қиймати ( $p$ ) ни қуйидаги күринишдаги формула билан аниқтаймиз:

$$p(c \leq R \leq d) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{c}^d e^{-(R-mR)^2/2\sigma^2} dR_i \quad (10)$$

Тадқиқотимизда корхоналарнинг тўлов қобилиятини таъминлаш имконтониятигининг йўқолиши, корхонанинг ўз маблағлари манбанинг тугаси каби шартлардан келиб чиқсан ҳолда корхоналар танлаб олинади.

Тадқиқотимизда, агар  $R$  рейтинг миқдори 0,36 миқдордан паст миқдорга эга бўлса, корхона тўлов қобилиятига эга бўлмайди ва уларнинг ўз маблағлари бутунлай тугаган бўлади. Натижада бу корхона ўз фаолиятини тугатишига (банкрот бўлишга) мажбур бўлади. Бундай ҳолларда корхонанинг фаолияти «хавфли ёки хатарли» деб эътироф этилади.

Ҳодисанинг әхтимоллик қийматини ( $p$ ) аниқлаш учун аниқ интегралнинг қуи чегарасини  $c = R_{kp}$ , юқори чегарасини  $d$  - чексиз деб қабул қилинганда қуйидаги күринишдаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Phi(t) = \frac{2}{\pi} \int_0^t e^{-s^2/2} ds \quad (11)$$

Ҳодисанинг әхтимоллик қиймати ( $p$ ) нормал тақсимотнинг аниқ интеграл функциясидан ҳамда Лапласнинг әхтимоллик қийматлари жадвалидаги маълумотлардан фойдаланиб ҳисобланади. Лапласнинг әхтимоллик қийматларига доир жадвалдаги маълумотлар ҳодисанинг әхтимоллик қиймати ( $p$ ) ни аниқлашга ёрдам беради.

Агар (10) формуладаги  $s = \frac{R-mR}{\sigma}$  ифодага алмаштиришлар киритилса,  $R$  тасодифий миқдорнинг әхтимоллиги  $\Phi(t)$  функциясини ( $c$ ) оралиқдан чексизликкача бўлган оралиқ орқали ифодаланиши қуйидаги күринишдаги формула билан аниқланади:

$$\begin{aligned} p(c \leq R \leq \infty) &= \Phi\left(\frac{\infty - mR}{\sigma}\right) - \Phi\left(\frac{c - mR}{\sigma}\right); \quad \Phi\left(\frac{\infty - mR}{\sigma}\right) = 0.5 \\ p(c \leq R \leq \infty) &= 0.5 - \Phi\left(\frac{c - mR}{\sigma}\right) \end{aligned} \quad (12)$$

Демак,  $\Phi\left(\frac{c-mR}{\sigma}\right)$  күринишдаги функцияниң қийматини аниқлаш учун Лапласнинг әхтимоллик қийматлари жадвалидаги маълумотлардан фойдаланамиз ва ҳодисанинг әхтимоллик қийматини ( $p$ ) аниқлаймиз.

Ҳодисанинг әхтимоллик қиймати ( $p$ ) орқали корхоналар тўлов қобилиятини таъминлаш даражаси қанча миқдордагини ҳисоблаб аниқлаб беради.

Корхоналар тўлов қобилиятини таъминлаш ички ва ташқи таҳдидларнинг таъсири билан бевосита боғлиқ. Корхоналар тўлов қобилиятини таъминлаш әхтимоллигини баҳолаш ва прогноз қилиш учун қуйида келтирилган алгоритмлар ктма-кетлигидан фойдаланамиз:

1.  $R$  тасодифий миқдорнинг апроксимацияси учун  $y_R = a + bt$  тенгламанинг  $a$  ва  $b$  коэффициентларини аниқлаймиз.
2.  $R$  тасодифий миқдор бўйича ўртача квадратик четланиш ( $\sigma$ ) қийматини топамиз.
3. Кўп омилли корреляция коэффициентини ( $r_m$ ) аниқлаймиз.
4. Яқин жорий муддатда  $R$  тасодифий миқдорнинг прогноз қийматини ( $R_{np}$ ) топамиз.
5. Ўртача квадратик четланишнинг прогноз қийматини ( $\sigma_{np}$ ) аниқлаймиз.
6. Лапласнинг эҳтимоллик интеграли бўйича нормал тақсимот функцияси аргументининг қийматини ( $s$ ) топамиз.
7. Жорий муддатда корхоналар тўлов қобилиятини таъминлаш эҳтимоллиги даражасини ( $p$ ) аниқлаймиз.

(12) формула ёрдамида корхоналар тўлов қобилиятини таъминлаш эҳтимоллигининг миқдори ( $p$ ) корхоналар учун юқорида келтирилган алгоритмлар кетма-кетлигидан фойдаланган ҳолда топилади (1-жадвал).

Демак, ушбу моделлар ва алгоритмлар маълум бир давр (ой, чорак, йил) учун корхоналарнинг тўлов қобилиятини таъминлаш рейтингини баҳолаш ва прогноз қилиш учун инновацион усул сифатида хизмат қиласди. Бунда корхоналарнинг тўлов қобилиятини таъминлаш рейтингини баҳолаш ва прогноз қилиш даврига мос ҳолда улар миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олинади ҳамда умумлаштирилади.

### **1 – жадвал. Корхоналарнинг тўлов қобилиятини таъминлаш эҳтимоллигини баҳолаш**


Корхона номи	Тенглама параметри, Тенглама параметри,	Ўртacha квадратик четланиш ( $\sigma$ )	Корреляция коэффициент и,	Рейтинг прогнози қиймати, ( $R_{np}$ )	Ўқчлар прогнози қиймати, ( $s$ )	Функция аргументи ( $s$ )	Эҳтимоллик қиймати, ( $p$ )	
1 корхона	$a_1$	$b_1$	$\sigma_1$	$r_1$	$R_{np_1}$	$\sigma_{np_1}$	$s_1$	$p_1$
2 корхона	$a_2$	$b_2$	$\sigma_2$	$r_2$	$R_{np_2}$	$\sigma_{np_2}$	$s_2$	$p_2$
3 корхона	$a_3$	$b_3$	$\sigma_3$	$r_3$	$R_{np_3}$	$\sigma_{np_3}$	$s_3$	$p_3$
4 корхона	$a_4$	$b_4$	$\sigma_4$	$r_4$	$R_{np_4}$	$\sigma_{np_4}$	$s_4$	$p_4$
...	...	...	...	...	...	...	...	
$n$ корхона	$a_n$	$b_n$	$\sigma_n$	$r_n$	$R_{np_n}$	$\sigma_{np_n}$	$s_n$	$p_n$

Муҳокама ва натижалар. Қўйилган муаммоли масалани ечиш учун ЭҲМ да экспериментал ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун функционал таъминот, дастурий таъминот, ахборот таъминоти ва бошқа ташкилий-услубий чора-тадбирлар ишлаб чиқилади [1; 415-428; 2; 291-303].

Ҳисоблашнинг функционал таъминоти корхона фаолиятининг шартлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўлов қобилиятини таъминлаш билан боғлиқ моделлар ва алгоритмларга асосланади. Унинг моделлари ва алгоритмлари ўртасидаги алоқадорлик ягона маълумотлар базаси орқали таъминланади. Ягона маълумотлар базаси ахборот таъминотининг асосини ташкил этади. Ахборотларни қайта ишлашда ахборот манбаига киритиладиган ва чоп этиладиган маълумотлар алоҳида-алоҳида

гурухларга ажратилади. Маълумотлар тўплами корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари, бухгалтерия ҳисоби, меъёрлар ва бошқа шу каби бошқа маълумот турлардан ташкил топади.

ЭҲМ хотирасига киритилган маълумотлар орқали ҳар бир корхонанинг тўлов қобилиятини таъминлаш даражаси таҳлил қилинади. Ҳар бир корхонанинг тўлов қобилияти кўрсаткичининг оптимал қиймати қабул қилинган чегаралар доирасида дастлабки параметрларга қайта ўзгартиришлар киритиш орқали шаклланади. Олинган натижаларнинг таъминланиш даражасига қараб, экспериментатор тадқиқотни давом эттириши ёки тугатиши тўғрисида қарор қабул қиласи. Шу сабабли биз қўйилаган муаммоли масаланинг тизимли ахборот ва мантиқий алоқалар қоидасига асосланиб, дастурий таъминот ёрдамида корхоналарнинг тўлов қобилиятини таъминлаш дражасини баҳолаш схемасини ишлаб чиқдик (1-расм).



1 - расм. Корхоналарнинг тўлов қобилиятини баҳолаш механизми

Тадқиқотда корхоналарнинг тўлов қобилиятини таъминлаш даражасини баҳолаш ва тезкор прогноз қилиш ечимларини топиш алгоритмлари ва моделини реализация қилиш орқали қўйилган масаланинг ечимли параметрларини ишлаб чиқдик.

Корхоналарнинг тўлов қобилиятини баҳолаш билан боғлиқ барча кўрсаткичлар мутаносибликка эришилгандан сўнг, турли даражадаги менежерлар муқобил варианtlар бўйича қабул қилинган қарор натижаларини қиёсий баҳолайди.

Агар ҳосил бўлган муқобил сценарий варианtlаридан биронтасининг натижаси экспериментаторни қаноатлантирумаса, турли даражадаги менежерлар маълумотлар базасига қайтадан мурожаат қиласи ва миқдорий ўлчамдаги янги массивли маълумотлардан фойдаланиб алгоритmlар ва моделларни такроран релизация қиласи.

Корхоналарнинг тўлов қобилиятини баҳолаш натижалари сценариялар бўйича топилгунга қадар таркрорий процедура яна давом этаверади.

Маълумотлар базаси корхонанинг иқтисодий шарт-шароитларини тизимили ҳисобга олган ҳолда ахборотлардан фойдаланиш имкониятини кўзда тутади.

Биз 2018 - 2023 йиллар даврида «Ўздонмаҳсолот» акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналарнинг чораклик баланслари маълумотларидан фойдаланиб, уларнинг тўлов қобилиятини таъминлаш эҳтимоллиги миқдорини ҳисоблаб топдик. Жадвалда ҳар бир корхонанинг тўлов қобилиятини таъминлаш эҳтимоллиги миқдорининг камайиб бориши тартибида (юқори миқдордан қуи миқдоргача) кетма-кетлик жойлаштирилди (2 – жадвал).

$\Phi\left(\frac{a-y_p}{\theta}\right)$  кўринишдаги нормал тақсимотнинг интеграл функцияси қийматлари Лапласнинг эҳтимоллик қийматлари жадвалидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда топилади.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблардан сўнг корхоналарнинг тўлов қобилияти эҳтимоллиги қиймати ( $p$ ) қуидаги ҳисоб-китоб қилиш тартибида аниқланади. Масалан:

$$p(a \leq R \leq \infty) = \Phi\left(\frac{\infty - y_p}{\theta}\right) - \Phi(s) = 0,5 - \Phi(-3,34787) = 0,5 + 0,499689 = 0,999689.$$

З-жадвалда корхоналарнинг тўлов қобилияти эҳтимоллиги қиймати ( $p$ ) 90 – 100% оралиқда ишончли корхоналар; 60 – 89% оралиқда қониқарли корхоналар; 59 дан паст фоизда ифодаланган корхоналар критик ҳолатдаги корхоналар сифатида баҳоланади.

Тадқиқотда олинган маълумотларга кўра, «Жомбай дон маҳсолотлари» АЖ, «Жиззах дон маҳсолотлари» АЖ, «Шўрчи дон маҳсолотлари» АЖ, «Асака дон маҳсолотлари» АЖ, «Оқолтин дон маҳсолотлари» АЖ каби корхоналар - рейтинги юқори даражали ишончли корхоналар; «Оқолтин дон маҳсолотлари» АЖ, «Боғот дон маҳсолотлари» АЖ, «Хоразм дон маҳсолотлари» АЖ, «Дўстлик дон маҳсолотлари» АЖ каби корхоналар рейтинги ўрта даржадаги қониқарли корхоналар; «Боғод дон маҳсолотлари» АЖ, «Хонқа дон маҳсолотлари» АЖ, «Хонқа дон маҳсолотлари» АЖ, «Қува дон маҳсолотлари» АЖ, «Оқтош дон маҳсолотлари» АЖ каби корхоналар рейтинги шубҳа уйғотадиган (kritik ҳолатдаги) корхоналар экан.

Демак, ушбу усул донни қайта ишловчи корхоналарининг тўлов қобилиятини таъминлаш эҳтимоллигини баҳолаш ва қисқа муддатли прогноз қилиш учун хизмат қиласи.

**2 – жадвал. «Ўзданмаҳсулотлари» акциядорлик компанияси таркибидағи корхоналарнинг тұлов қобилятигини таъминлаш эҳтимоллігінің рейтингининг ҳисоб-китоби**

Корхона номи	Тенглама параметри, ( $a$ )	Тенглама параметри, ( $b$ )	Үртача квадратик четланиш, ( $\sigma$ )	Корреляция коэффициенти, ( $r_m$ )	Рейтинг прогнози киймати, ( $R_{np}$ )	ҮКЧлар прогнози киймати, ( $\sigma_{np}$ )	Функция аргументи, ( $s$ )	Эҳтимоллық киймати, ( $p$ )
«Асака дон маҳсулотлари» АЖ	0,6447	-0,0095	0,0888	0,7932	0,4927	0,0888	1,3832	0,9162
«Боғот дон маҳсулотлари» АЖ	1,0644	-0,0336	0,1659	0,7847	0,5268	0,1667	0,9404	0,8264
«Боғод дон маҳсулотлари» АЖ	0,4388	-0,0037	0,0422	0,6925	0,3796	0,0422	0,2274	0,5871
«Жиззах дон маҳсулотлари» АЖ	0,4053	0,0084	0,0668	0,8147	0,5397	0,0668	2,5400	0,9945
«Дүстлик дон маҳсулотлари» АЖ	0,7401	-0,0216	0,0555	0,7189	0,3945	0,0556	0,4405	0,6700
«Оқтош дон маҳсулотлари» АЖ	0,3889	-0,0025	0,0363	0,6876	0,3165	0,0363	0,0173	0,5398
«Жомбай дон маҳсулотлари» АЖ	0,6832	0,0046	0,1145	0,8225	0,7568	0,1146	3,3787	0,9996
«Оқолтин дон маҳсулотлари» АЖ	0,6499	-0,0063	0,1389	0,7997	0,5491	0,1390	1,2892	0,9015
«Қува дон маҳсулотлари» АЖ	0,4032	-0,0031	0,0399	0,6957	0,3467	0,0399	0,0159	0,5590
«Хонқа дон маҳсулотлари» АЖ	0,4132	-0,0038	0,0417	0,7086	0,3763	0,0417	0,0257	0,5793
«Шўрчи дон маҳсулотлари» АЖ	0,5376	0,0077	0,1790	0,8147	0,6608	0,1791	1,6241	0,9478
«Хоразм дон маҳсулотлари» АЖ	0,4946	-0,0045	0,0931	0,7657	0,4226	0,0931	0,5649	0,7139


**3 – жадвал. «Ўзданмаҳсулотлари» акциядорлик компанияси таркибидағи корхоналарнинг тұлов қобилятигини таъминлаш эҳтимоллігінің натижасы**

Корхона рейтинги	Корхона номи	Таъминлаш эҳтимоллігі	
		$p (a \leq R \leq \infty)$	%
1 ўрин	«Жомбай дон маҳсулотлари» АЖ	0,9996	99,96
2 ўрин	«Жиззах дон маҳсулотлари» АЖ	0,9945	99,45
3 ўрин	«Шўрчи дон маҳсулотлари» АЖ	0,9478	94,78
4 ўрин	«Асака дон маҳсулотлари» АЖ	0,9162	91,62
5 ўрин	«Оқолтин дон маҳсулотлари» АЖ	0,9015	90,15

6 ўрин	«Боғот дон маҳсулотлари» АЖ	0,8264	82,64
7 ўрин	«Хоразм дон маҳсулотлари» АЖ	0,7139	71,39
8 ўрин	«Дўстлик дон маҳсулотлари» АЖ	0,6700	67,00
9 ўрин	«Боғдод дон маҳсулотлари» АЖ	0,5871	58,71
10 ўрин	«Хонқа дон маҳсулотлари» АЖ	0,5793	57,93
11 ўрин	«Құва дон маҳсулотлари» АЖ	0,5590	55,90
12 ўрин	«Оқтош дон маҳсулотлари» АЖ	0,5398	53,98

Демак, ушбу усул донни қайта ишловчи корхоналарининг тўлов қобилиятини таъминлаш эҳтимоллигини баҳолаш ва қисқа муддатли прогноз қилиш учун хизмат қиласди.

Кўйида келтирилган диаграммада «Ўздонмаҳсулотлари» акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналарнинг тўлов қобилиятини таъминлаш эҳтимоллиги 3 – жадвалдаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда акс эттирилди.



**1 – расм. «Ўздонмаҳсулотлари» акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналарнинг тўлов қобилиятини таъминлаш эҳтимоллиги диаграммаси, фоиз ҳисобида**

Холосада айтишимиз мумкинки, ҳар қандай корхонанинг тўлов қобилиятини таъминлаш рейтинги эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларидан фойдаланишга асосланади. Тадқиқотимизда ишлаб чиқлган инновацион концептуал модель корхоналарнинг тўлов қобилиятини таъминлаш рейтингини ҳисоб-китоб қиласидиган усул сифатида хизмат қиласди. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг бу усули фойдаланувчиларга нафақат корхона фолиятининг ҳозирги ҳолати, балки корхоналар тўлов қобилиятини таъминлаш ва қисқа муддатли прогноз қилиш, иқтисодий таҳдидлар ва рискларнинг пайдо бўлишини барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишни баҳолаш, тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлигини оширишга кўмак беради.

**Хуласа.** Мақолада донни қайта ишлаш корхоналари тўлов қобилияти бошқарув ҳисобининг назарий, услугий қоидалари ва усуллари ёрдамида концепция ишлаб чиқилган бўлиб, унда корхоналар тўлов қобилиятини таъминлаш эҳтимоллигини баҳолашнинг мақбул ечимлари, тасодифий омилларнинг корхоналар тўлов

қобилиятига таъсирини баҳлайдиган ва қисқа муддатли прогноз қиласидиган концептуал модель ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари қайта ишлаш корхонларида тўлов қобилиятини таъминлаш эҳтимоллигини топиш билан боғлиқ сценарийли самарали қарорларни қабул қилиш, корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни самарали бошқариш, айланма маблағларнинг айланувчанлигини тезлаштириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, максимал даражали фойдага эришиш, рентабеллик даражасини ошириш, пул маблағлар айланмасининг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсири, ҳаражатларни камайтиришда ишлаб чиқариш ички заҳираларни излашга ва ички салоҳиятдан оптимал фойдаланиш, иқтисодий таҳдидлар ва рискларнинг пайдо бўлишини барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишни баҳолашга имконият яратади. У кучайиб бораётган таҳдидларни тан олиб вақтдан ютиш, тўлов қобилиятининг пасайишига йўл қўймаслик мақсадида чоралар кўриш, хавфсиз корхоналарнинг имиджини сақлаш, корхоналарнинг моливий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлашга имконият яратади.

### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Abdullayev A.Abdullayev J. Improvement of scientific methodological approaches of complex production accounting in grain processing factories // The Seybold report (SCOPUS). ISSN 1533 – 9211. p. 415 – 428. DOI: 10.5281/zenodo.13986497
2. Abdullayev A.@Abdullayev J. Improving the methodology of cash flow accounting in processing enterprises // The Seybold report (SCOPUS). ISSN 1533 – 9211. p. 291 – 303. DOI: 10.5281/zenodo.14196541
3. Маркин М.В. Недостатки форм бухгалтерской отчетности для управления платежеспособностью предприятия // Российское предпринимательство. - 2009. - № 7. - С. 61 - 66.
4. Маркин М.В. Адаптивное управления платежеспособностью на предприятиях АПК // Вестник Казанского ГАУ, 2009. - № 3(13). - С. 38 - 42.
5. Рудненко Н.П. Управленческий и стратегический учет платежеспособности: теория и практика // Монография. - Ростов-на-Дон РГСУ, 2007. – С. 229.
6. Трофимова Ю.С. Аналитические возможности обеспечения платежеспособности предприятия. // Поволжский гуманитарный журнал. - Пенза: Поволжский Дом знаний, 2001. - №2. <http://www.ssea.runnet.ru/>
7. Трофимова Ю.С. Значение и аналитический аспект управления денежными средствами в поддержании текущей платежеспособности предприятия // Поволжский гуманитарный журнал. - Пенза: Поволжский Дом знаний, 2003. - №1. <http://www.ssea.runnet.ru/journal.html>.

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*N<sup>o</sup> S/10 (4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).